

## КИЧИК БИЗНЕСНИ МАҲАЛЛИЙ ДАРАЖАДА БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

**Убайдуллаев Акмал Тулқинбоевич**

*«University of Business and Science»* нодавлат олий таълим муассасаси  
шьитовчиси Tel: +99(890) 275 57 86, e-mail: [foxlisa037@gmail.com](mailto:foxlisa037@gmail.com)

Халқаро амалиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янги замонавий рақамли техника ва технологиялар билан таъминлаш, уларнинг мавқеини жаҳон бозорида локоматив даражасига олиб чиқишда самарали бошқарув тизимини жорий этиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. “Иқтисодий тараққий этган мамлакатларнинг ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши Жанубий Кореяда 60%, Полшада 51%, Германияда 53%, Нидерландияда 63% ни”<sup>1</sup> ташкил этади.

Бугунги кунда АҚШ, Германия, Япония, Сингапур каби давлатларда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш амалиётида қўлланилаётган «Digital management», «Kaizen» ва «Just in time» тизими бўйича тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий иқтисодиётимиз амалиётига жорий қилишнинг йўналишлари ва истиқболларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда оқилона қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолиятидаги иқтисодий-ижтимоий жараёнларни молиявий усуллар орқали рағбатлантиришни ташкил этиш, самарали бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантириш каби концептуал масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб боришни долзарб қилиб қўймоқда.

Иқтисодиётда кичик бизнеснинг роли ва аҳамияти тўғрисидаги қарашлар ва хулосалар бугунги кун илмий доирасида деярли шаклланиб, бу борадаги мунозарали жиҳатлар ва илмий баҳслашувлар маълум даражада ўзининг

---

<sup>1</sup> А.Шавкатов. Малый бизнес как основной драйвер экономики: состояние, проблемы развития и предлагаемые меры стимулирования. 2019 йил 25 декабрь. <http://uza.uz>  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

катъий ифодасига эга бўлган. Яъни, ҳозирги замонавий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасида кичик бизнес субъектлари ўзига тегишли қатор иқтисодий-ижтимоий функцияларни бажариш орқали, бир томондан, иқтисодиётнинг самарадорлигини, бошқа томондан эса, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаб турувчи соҳани намоён этади.

Иқтисодий назарияда узоқ вақтлар давомида кичик бизнес – бу аксарият қисми хусусий секторга тааллуқли бўлган, иқтисодий фаолият кўлами жиҳатидан ихчам ҳамда бошқарув тузилмаси жиҳатидан содда кўринишга эгаллиги сабабли ташқи тартибга солиш ёки бошқариш учун эҳтиёж мавжуд бўлмаган соҳа, деган ёндашув ҳукмронлик қилиб келган. Бироқ, инсоният босиб ўтган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг тарихий тажрибаси ҳамда замонавий иқтисодий тенденциялар мазкур қарашларнинг доимо ҳам мутлақ тўғри эмаслигини намоён этди.


Агар бозор механизмлари тўлиқ ва самарали ишлаган, яъни мукамал рақобат шароитида кичик бизнес корхоналари назарий жиҳатдан ҳар қандай ташқи бошқарувга муҳтож бўлмайди. Бозор қонунларидан келиб чиққан ҳолда кичик корхона ўзини ўзи тартибга солади. Чунки хусусий мулкдор ўз капиталини қайси тармоқ ёки соҳага киритаётганини, бу ердаги рақобат даражаси, фойда нормаси, харажатлар ва даромадлар нисбатини олдиндан пухта ўрганган бўлади. Фойдани максималлаштириш сари ҳаракат унинг нималарга тайёр туриши ва қайси ҳаракатларни амалга оширишини олдиндан айтиб беради.

Бироқ, ҳаётда кўпинча номукамал рақобат шароити амал қилади. Кичик бизнес субъектлари ўз хўжалик юритиш фаолияти доирасида кўпинча монополистик, олигополистик тузилмалар билан тўқнаш келади. Бунда мутлақ ёки нисбатан кенг ҳукмронлик мавқеига эга тузилмалар фаолиятига таққослаганда кичик бизнес субъектлари муайян жиҳатдан чекланган фаолиятни намоён этади.

Кичик бизнес субъектлари табиатидан келиб чиққан ҳолда чекланган фаолият ёки соҳалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) қўшимча ишчи кучини ёллашдаги чекловлар;
- 2) асосий ва айланма капиталнинг чекланганлиги;
- 3) моддий ресурс ва захиралар бўйича чекланганлик;
- 4) махсус бошқарув тузилмасини шакллантириш ва жорий этишнинг иқтисодий самарасизлиги туфайли чекланганлик ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиш, айниқса, муайян мақсадларга эришиш йўналишида яхлит соҳа сифатида бошқаришнинг зарурлигини бу борадаги “ўзига хос тизимли занжир” орқали ифодалаш мумкин (1.1-расм).



**1.1-расм. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришнинг зарурлигини ифодаловчи “ўзига хос тизимли занжир”<sup>2</sup>.**

Расм маълумотларидан кўринадикки, кичик бизнес субъектлари фаолиятини яхлит соҳа сифатида бошқаришнинг зарурлигини бир неча ўзаро боғлиқ ҳолатлар орқали изоҳлаш мумкин.

**Кичик бизнес фаолиятининг иқтисодий табиати.** Маълумки, кичик бизнеснинг иқтисодий табиати энг аввало унинг иқтисодий манфаатдорлик тамойили орқали намоён бўлади. Яъни, якка тартибдаги тадбиркорлар ва кичик бизнес корхоналари ўзининг таркиб топиш ғоясидан тортиб то фаолият натижасига қадар унинг эгаси ва фаолият иштирокчиларига муайян манфаат келтириб, барча хўжалик юртиш жараёнларининг “кўринмас қўл” тамойили асосида амалга ошади. Фаолият фойда келтирмайдиган бўлса, у умуман

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

бошланмайди, бошланган фаолият эса дарҳол тўхтатилади.

Мазкур тезкорлик ва тор манфаатга йўналтирилганликнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда муайян камчиликлари ҳам мавжуд. Жумладан:

- айрим фаолият турлари ёки иқтисодий жараёнларнинг кам фойда келтириши сабабли умуман амалга оширилмаслиги;
- мазкур “бўшлиқ”ни тўлдиришга хизмат қилувчи бозор механизми таъсирининг муайян муддат, вақт талаб этиши;
- юқори фойда меъёри ортидан “қувиш” оқибатида муайян товар ва хизматларнинг талабдан ортиқ ҳажмда ишлаб чиқилиши;
- рақобат кескинлигининг ортиб кетиши оқибатида айрим корхоналарнинг банкротликка юз тутиши ва ҳ.к.

Юқоридаги камчиликлар, ўз навбатида, кичик бизнеснинг яхлит соҳа сифатида меъёрдаги, барқарор такрор ишлаб чиқариш жараёнларига путур етказди. Шунга кўра, мазкур жараёнларни бошқариш орқали ташқи тартибга солишга эҳтиёж туғилади.

**Иқтисодий фаолият юритишдаги чекланишлар.** Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кичик бизнес мақоми алоҳида белгилаб берилган. Ўзининг ижтимоий-иқтисодий функцияларига кўра катта аҳмият касб этувчи ушбу соҳа айти пайтда ўзининг иқтисодий фаолиятида муайян чекланишларга дуч келади. Масалан, кичик ҳажмдаги иқтисодий фаолият юритиш, ходимлар сонининг чекланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш қуввати, товар айланмаси, моддий захиралар, молиявий натижалар ва бошқа жиҳатлар бўйича чекланганлик шулар жумласидандир. Мазкур чекланганлик уни йирик ва ўрта ишлаб чиқаришга нисбатан норақобатдош, заиф соҳага айлантирадики, бу ўринда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

**Ички ўзини ўзи тартиблашнинг етарли эмаслиги.** Кичик бизнесни тартиблаш ёки бошқаришнинг икки даражаси жиҳатидан ёндашиш мумкин: 1) кичик бизнес корхонасининг ички бошқаруви; 2) кичик бизнес соҳасининг давлат томонидан, шу жумладан, маҳаллий бошқарув органлари томонидан

бошқарилиши. Кичик бизнес корхонасининг ички бошқаруви унинг фаолият самарадорлигини таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиши учун муҳим ҳисобланади. Бироқ, кичик бизнес корхоналарини яхлит соҳа сифатида ташқи тартибга солиш ёки бошқариш мавжуд бўлмас экан, пировардида миллий иқтисодиётнинг меъёрадаги фаолиятини таъминлаб бўлмайди.

**Ташқи тартиблашга муҳтожлик.** Миллий иқтисодиёт турли қамров ва даражаларни намоён этувчи хўжалик бирликлари, уларнинг бирлашмалари, тармоқлар ва кичик тармоқлар, соҳаларни ўз ичига олади. Кичик бизнес корхоналари мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ички таркибий тузилма ва функционал бўғинларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадидаги бошқарув билан бир қаторда, ушбу тоифадаги барча корхоналарнинг мажмуини ташкил этувчи кичик бизнес соҳасининг ҳам бошқарилишига эҳтиёж сезади. Кичик бизнесни иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида ташқи тартиблаш мамлакат иқтисодий тизими самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ушбу ҳолатда миллий иқтисодиётда кичик бизнеснинг солиштирма салмоғи, унинг иқтисодиёт бошқа таркибий қисмлари билан мутаносиблиги ва мувофиқлиги даражалари мақсадга мувофиқ ҳолда оптимал тарзда ушлаб туришга ҳаракат қилинади.

**Маҳаллий даражадаги бошқарув (тартиблаш)нинг афзаллиги ва зарурлиги.** Бошқарувнинг миқёс жиҳатдан иккита йирик даражасини ажратиш мумкин: 1) марказлашган (республика) бошқарув органлари; 2) маҳаллий бошқарув органлари.

Кичик бизнес фаолиятини тартибга солишда марказлашган бошқарув органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) мамлакатда кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш;

2) кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш;

3) кичик бизнес фаолиятининг умуммиллий ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

4) кичик бизнес фаолиятини макроиқтисодий прогнозлаштириш ва ҳ.к.

Кичик бизнес фаолиятини тартибга солишда марказлашган бошқарув органлари фаолиятига нисбатан маҳаллий бошқарув органлари фаолияти таъсирчан ва самарали ҳисобланади. Чунки, марказлашган бошқарув даражасида мазкур соҳанинг умумий фаолият чегараси ва йўналишлари белгилаб берилса, маҳаллий бошқарувда муайян тадбиркорлар гуруҳи фаолиятни самарали ташкил этиш ва тартибга солишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб берилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.05.2019 йилдаги ПҚ-4302-сон “Саноат кооператсиясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Абалкин Л.И. От экономической теории до концепции долгосрочной стратегии // Абалкин Л. Проблемы современной России. М., 2011, с. 39-47.

3. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. "Оренбург. гос. ун-т".-Оренбург:ОГУ, 2006.-139 с.

4. Вершигора Е.Е. Менеджмент: Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2000.- 283 с.

5. Филиппов В.Ф. Беседы о хозяйственном механизме. 2-е изд., доп. -М: Политиздат, 1984. 192 с.

6. Кульман А.А. Экономические механизмы//под общ. редакцией Н.И. Хрустальной. – М.: Прогресс; Универс., 1993. – 92 с.

8. Ходос Д.В. Экономический механизм развития сельскохозяйственного производства. - Красноярск: Изд-во КрасГАУ, 2008. - 234 с.

9. Гулямов С.С., Догиль А.Ф., Семенов Б.А. Предпринимательство и малый бизнес. – Т. 1997 – с. 33 – 34.

10. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”.

Т.: Меҳнат.2010. 9-бет.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778) сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 833-сонли “Саноат ярмаркалари ва электрон кооператсия биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

13. Котлярова, С.Н. Рол локализатсии промышленного производства в политике импортозамещения / С.Н. Котлярова, Ю.Г. Лаврикова, Л.М.Аверина // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. - 2017. - Т. 10. - № 5. - С. 115-127. DOI: 10.15838/есц/2017.5.53.8